

Политсияда ўтган йигирма йиллик фаолиятим давомида турли хил котиллик куролларини кўрганман. Уларни санаб саногига етиш кийин. Аммо Филип Эшерни ўлдиришган куролдан ортирок дахшатли буюмни хали кўрмагандим.

Бу инсон бош чаноги эди!

Биз Эд Крейн билан уни жасад ёнидан топдик. Бир ёки икки зарбадан сўнг у худди тухумдек ёрилиб кетган, лекин Эшернинг бош чаноги ҳам ёрилишига шунинг ўзи етарли бўлганди. Эшернинг бошидаги жарохатга караганда, зарба жудаям кучли бўлганлиги аник эди.

Мен сигарет чекканча учта девори шифтгача жавонлар билан копланган кенг хонани кўздан кечирдим. Иккита жавон чарм муковалари ўнгиб кетган жилд-жилд китобларга тўла бўлиб, унчалик кизикиш уйготмасди. Учинчи жавон эса Мексика ва Марказий Америка халклари санъатига багишланганди: идишлар, сопол ва ёгоч хайкалчалар, куроллар... Жавон ёнида катта ёзув столи жойлашган бўлиб, Эшерга тегишли турли хил маълумотномалар бетартиб ётар, рўпарада яна битта стол бўлиб, унинг устида ёзув машинкаси ва диктофондан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Агар вазият бошқача бўлганида мен хонадаги кадимий буюмларни астойдил томоша қилган бўлардим, аммо айти пайтда менда бундай фикр йўқ эди. Хар қалай боши мажакланган жасад ва конга беланган бош чаноги-мудхиш манзара.

-Агар ўз кўзим билан кўрмаганимда бунга ишонмаган бўлардим,-мингирлади Крейн.

-Мен ҳам.

Биз хонадан Марказий Америка халклари музейининг бўлимини эслатадиган мехмонхонага чиқдик. Эшик олдида бир политсиячи тиббиёт эксперти ва шерифни кутиб турар, яна бир политсиячи эса хона бурчагидаги диван ёнида у ёқдан бу ёққа бориб-келарди. Диванда эса тиззаларини кучганча Дуглас Фелконер-кулранг шим ва тўқ кўк рангли кўйлак кийган озгин, кирк ёшлардаги киши ўтирарди. У тўғрига караганча шисалари калин кўзойнаги остидаги кўзларини пирпиратар ва кўриниши беозор эди. Аммо ярим соат олдин айнан у политсияга кўнгирок килиб, Филип Эшерни ўлдирганини айтганди. Унинг гапига шубҳа қилишга ҳожат йўқ эди, чунки ўнг кафти ва кўйлаги енгида кон доглари котиб қолганди.

У мархумнинг шахсий котиби бўлиб ишлар ва шахарнинг энг нуфузли худудларидан бирида жойлашган испанча услубдаги Эшернинг мана шу хашаматли вилласида турарди. Унинг айтишича, котиллик газаб сабабли юз берган, аммо нима учун котиллик куроли сифатида гайритабиий буюмдан фойдаланилганига тушунолмай турардик.

Фелконер бўшликка мавхум нигоҳини тикканча ўтирарди. Мен унинг ёнига келиб энгашишим билан у чўчиб тушди ва менга қаради. Аммо унинг кўзлари хали ҳам маъносиз боқарди.

-Хўш, жаноб Фелконер,-сўз бошладим мен,-хукукларингизни айтиб ўтдик, агар истасангиз, адвокат чакиришимиз мумкин. Хаммаси қандай содир бўлганини айтиб берасизми?

-Хаммасини айтиб бўлдим.-У хотиржам эди.-Эшерни мен ўлдирдим. Аввалига бу ишни ўғри содир қилгандек қилмокчи бўлдим, лекин бундан ҳеч нарса чиқмаслигини тушундим. Вақтим етарли эди, аммо ёлгон гапиришга ўрганмаганман. Бундан ташқари... менга барибир бўлиб қолди. Детектив, мен қарчадим.

-Нега бундай қилдингиз?-сўради Крейн.

Фелконер аста бошини чайкади, биров бу унинг жавоб беришдан бош тортаётганини англатмасди, бу харакати билан у ўзини кўлга олишга уринаётгани кўришиб турарди. Биз эртами-кечми у хаммасини айтиб беришини билардик, уни шоширишнинг хожати йўк эди.

Аммо барибир сабрим чидамади:

-Нимага уни бош чаноги билан ўлдирдингиз? Айтганча, буни каердан олдингиз?

У кўзларини чирт юмди, аммо дархол очди.

-Ешернинг столи ортидаги жавондан. Уни урган пайтимда Эшер столда ўтирганди.

-У ўз хонасида инсон бош чаногини саклармиди?-сўради Крейн.-Нима учун?

-Унда ўзига хос хазил туйгуси бор эди. Унга ташриф буюрувчиларнинг ўзини кандай тутишини кўриш ёкарди. Бу биринчидан. Иккинчидан эса Эшер бу унинг учун мементо мори эканлигини таъкидларди.

-Тушунмадим?

-Бу лотинча,-изох берди Фелконер.-«Ўлимни ёдда тут». Биз хаммамиз оддий банда эканлигимизни ва бир кун келиб ўлишимизни билдиради.

-Жудаям нохуш эмасми сизнингча?

-Филип Эшер жуда совуккон одам эди ва хеч нарсадан кўркмасди. Хаттоки ўлимдан хам. Кайсидир маънода ўлим унинг хаёти эди, чунки у йўқолиб кетган тсивилизатсияларни ўрганарди.

Крейн иккимиз бир-биримизга карадик.

-Батафсилрок гапириб беринг,-дедим мен.

-У янгича иш олиб борадиган антрополог эди, яъни кашфиётлари оркали пул ишларди.

Колумбгача бўлган Марказий Америка халклари маданияти хакида бир нечта рисола чоп этгач, кўплаб университетлар уни маъруза ўқигани чакиришди. Бу эса яхши пул дегани.

-Сиз унинг котиби бўлиб ишлардингизми?

-Ха, тадкикотларида ёрдам берардим, Мексиканинг турли худудларига уюштирган сафарларида бирга бўлганман, ёзганларини тахрир килардим, кўлёзмаларини окка кўчирардим.

-Канчадан бери?

-Саккиз йилдан бери.

-Шу ерда яшайсизми?

-Ха.

-Уйда яна бошка одамлар хам яшайдими?

-Йўк. Эшернинг хотини бир неча йил олдин кетиб колган, бошка кариндошлари эса йўк.

-Сиз бошлигингизни ўлдиришни анча олдин режалаштирганмидингиз?-сўради Крейн.

-Шу кунгача уни ўлдириш хаёлимга хам келмаган.

-Жанжаллашиб колдингларми?

-Йўк.

-Унда сизни котиллик килишга нима мажбур килди?-хайрон бўлдим мен.

Фелконер яна бошини чайкади, сўнг диван суянчигига ўзини ташлаганча аччик илжайди.

-Икром. Ха... Эшернинг икромларидан бири.

-Мархамат, давом этинг.

У огир хўрсинди.

-Кеча мен таникли антропологларнинг биридан хат олгандим. У яхшигина маош эвазига менга ўз котиби бўлиб ишлашни таклиф килганди. Мен хаммасини обдон ўйлаб кўрдим ва эрталаб «бундай омаддан юз ўгириш ахмоклик» деган фикрга келдим. Аммо ўз карорим

хакида Эшерга айтганимда у ишдан бўшашимга кескин карши чикди. У агар ишдан кетсам, тилимни тийиб юришимга ишонолмаслигини айтди. Кейин эса агар бу ерда колмайдиган бўлсам у «маълум бир харакат» килишини айтиб тахдид килди.

-Тўхтанг,-дедим мен.-Нима учун тилингизни тийиб юришингиз керак эди?

-Олти йил олдинги воқеа учун.

-Олти йил олдин нима бўлган?

Фелконер бир неча сония жим ўтириб колди, кейин бир ютиниб олиб мингирлади:

-Унинг хотини ва хотинининг жазмани ўлган... Эшернинг Понтрейн кўли ёнидаги ёзги вилласида.

-Аммо икки дакика олдин унинг хотини кетиб колганини айтгандингиз-ку!-деди Крейн.

-Нахотки? Бўлиши мумкин. Олти йилдан бери шу гапни кайтаравериб ўрганиб колибман.

Аслида Милдред ва унинг жазмани Понтрейн кўли якинида ўлган.

-Хўш-хўш... Бу кандай юз берган?

-Улар газдан захарланишган. Бу воқеа сентябрда бўлган. Ўша куни эрталаб Эшер кутилмаганда виллага бормокчи бўлди, ўша пайтда ёзишни бошлаган китобини ҳеч ёзолмаётгани учун дам олиб келмокчи экан. У эрталаб саккизда кетди, мен эса киладиган ишларим борлиги учун бир соат кейин кетдим. Борсам, Эшер иккита мурданинг тепасида турган экан. Улар-кўшни штатда бўлиши керак бўлган Милдред ва нотаниш эркак-ётоқхонада ярим-ялангоч холда ётишарди. Эшер уларни ўлик холда топганини айтди. Унинг айтишича, хона газ хидига тўлиб кетган экан, шунинг учун хонани шамоллатибди. Газли иситгич носозлиги сабабли бу фожиа юз берган.

-Сиз бу гапга ишондингизми?

-Ха, мен карахт бўлиб колгандим. Милдред эрига хиёнат килади деб ҳеч қачон ўйламагандим. У ёш ва гўзал эди, аммо жудаям камтар...

-Ешер-чи? У ўзини кандай тутди?

-Жуда босик. Аммо политсияга кўнгирок килиш кераклигини айтганимда, у мени эшитишни ҳам истамади. Газетада бу воқеа хакида хабар босиладиган бўлса унинг обрўси ва илмий фаолиятига путур етаркан. Шунда мен у холда нима килишимиз кераклигини сўрадим. У хотиржамлик билан жасадларни кўл якинига кўмишимизни айтди. Кейин Милдреднинг кетиб колгани хакида бирор нарса ўйлаб топадиган бўлди.

-Сиз рози бўлдингизми?

-Бошка нима килишим мумкин эди?-елкасини кисди Фелконер.-Мен катъий феълли эмасман, бунинг устига ўша пайтда Эшернинг гапларига ишонгандим. Ха, унга ёрдам беришга рози бўлдим. Биз жасадларни кўл бўйига олиб бордик ва чукур кавлаб кўмдик.

-Демак, сиз бу сирни олти йил давомида саклаб келгансиз,-деди Крейн.-Аммо бугун чидаб бўлмайдиган даражадаги воқеа юз бергани учун уни ўлдирдингиз, шундайми?

-Ха.

-Ешер айтган «харакат»... Сизни ўлдиришини билдирувчи тахдидми?

Фелконер бош силкиди.

-У мени бу ердан тирик чиқармаслигини айтди.

-Олти йил жим юрганингизни ҳисобга оладиган бўлсак, бу галати тахдид.

-Тўгри. Мен ҳам шундай дедим.

-У-чи?

-У менга бор хакикатни ошкор килди,-деди Фелконер.

Мен бош иргадим.

-Унинг хотини ва хотинининг жазмани бахтсиз ходиса сабабли ўлмаган демокчимисиз?

-У уларни ётоқхонада кўлга туширган ва газабни кўзиб кетган. Филип Эшер уларни хушидан кетгунча дўппослаган. Агар яхши эътибор бериб караганимда уларнинг кўкарган жойларини кўрган бўлардим, аммо у пайтда... Кейин эса уларни бўғиб ўлдирган, аммо мен келгунимча мурдаларни яширишга улгурмаган ва носоз газли иситгич хақидаги гапни ўйлаб топган. Агар ўшанда унга ишонмаганимда ва ёрдам беришга рози бўлмаганимда, у мени ҳам ўлдирмокчи бўлганлигини ўзи тан олди.

-Демак, сиз айтган «икрор» мана шу экан-да?-сўрадим мен.-Сиз кейинги олти йил давомида нафакат котилнинг кўлида ишлаганингиз, балки унга жиноят изини ёпишга ёрдам берганингизни билганингиздан кейин, бунинг устига у сизни ҳам ўлдиришини айтгач, ўзингизни тутолмай бош чаногини олиб унинг миясига туширгансиз. Тўғрими?

-Унчаликмас,-деди Фелконер.-Тўғри, унинг икрори мени гангитиб кўйди, чунки бу ишда мен ҳам иштирок этганман. Шундан кейин ундан нафратланиб кетдим. Умуман олганда, мен кўрқокман, агар унинг иккинчи, асосий икрори бўлмаганида бу воқеа юз бермаган бўлармиди. Аммо...

-Жин урсин, Фелконер!-деди Крейн.-Яна канака икрор?! Уни нега ўлдирдингиз?!

-Чунки у бир оздан кейин яна бир иш қилган экан. У буларнинг барини менга нима учун айтганлигини билмадим, аммо у телба эди, бундайлардан эса ҳамма нарсани кутиш мумкин. Шундай эмасми?

-Бўлиши мумкин,-деди Крейн.

-Биласизми, Эшер мemento морини Мексикадан олиб келган деб нотўғри ўйлаб юрар эканман. У бу бош чаногини Понтрейн кўли бўйидаги чуқурдан кавлаб олган экан. Шунинг учун уни ўлдиришга қарор қилганимда бу иш учун мос келадиган қуролни танладим. Айтинг-чи, агар сиз пинхона ва умидсизлик билан севиб юрган дунёдаги ягона аёлингизнинг бош чаногини сиз ишлайдиган хонада олти йил давомида ҳар куни сизга боқиб турганини билиб қолганингизда нима қилган бўлардингиз?

Рус тилидан Дилшодбек Аскарров таржимаси.